

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 йил 1 июлдан
ЧИҚА БОШЛАГАН.

• № 86 (5.977) • 1986 йил 14 апрель, душанба • Баҳоси 3 тишин.

КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин 1 Май — меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

2. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXVII съездининг тарихий қарорларини амалга оширайлик!

3. Советлар мамлакатни меҳнаткашлари! Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўли билан жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига, коммунистик идеалларнинг татанасига эришайлик!

4. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун куч ва билимизни КПСС Программасини бажаришга сарфлайлик!

5. Советлар мамлакатининг гражданилари! Социализмни ҳар томонлама такомиллаштириш — ҳар биримизнинг жонажон ишимиздир!

6. Совет Иттифоқи коммунистлари, барча меҳнаткашлари! КПСС XXVII съездининг новаторлик руҳини қарор топтирингиз ва ривожлантирингиз!

7. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Халқ ҳўжалигини ривожлантиришда қатъий бурилишга эришайлик! Юксак даражада ташкил этилган ва самарали экономика сари туб бурилишни таъминлайлик!

8. Ишлаб чиқариш, фан, маориф ходимлари! Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, халқ ҳўжалигини тубдан реконструкция қилишга қўшадиган ҳиссангизни кўпайтирингиз!

9. Совет олимлари! Мамлакат сизлардан техника ва технология соҳасида революцион кашфиётлар ҳамда ихтироларни кутмоқда. Илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини оширингиз, уларни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига қатъят билан яқинлаштирингиз!

10. Машинасозлар! Сизлар — халқ ҳўжалигини техника билан қайта қуроллантиришнинг олдинги маррасида бормоқдасизлар. Юқори унумли, пишиқ-пухта ва тежамли машиналар, ускуналар, приборларни тезроқ яратингиз!

11. Энергетиклар ва транспортчилар, металлурглр ва химиклар!

Энергетика программаси бажарилишига эришингиз!

Юқларнинг ташилишини жадаллаштирингиз! Халқ ҳўжалигининг хом ашё ва материалларга бўлган талаб-эҳтиёжларини пухта таъминлангиз!

12. Қурувчилар! Тежамли, сифатли, пишиқ-пухта, замонавий техника асосида қурилингиз! Корхоналарни реконструкция қилиш, янги объектларни барпо этиш муддатларини қисқартирингиз!

13. Савдо ва умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат ходимлари! Замонавий хизмат турларини зўр ғайрат билан ривожлантирингиз!

Хизмат кўрсатиш маданиятини оширингиз!

14. Агросаноат комплекси меҳнатчилари! Қисқа муддатлар ичида мамлакатни озиқ-овқат билан тўла таъминлаш — сизларнинг ватанпарварлик бурчингиздир!

Комплекснинг барча тармоқлари самарадорлигини, қишлоқда ҳўжалик юритиш даражасини қатъиян юксалтиришга эришингиз!

15. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Иқтисодий ўсишнинг барча резервларини ишга туширайлик! Юксак сифат, ғоят қаттиқ тежаш, мустаҳкам интизом — жуда тез олға ҳаракат қилишимиз гаровидир!

16. Халқ ҳўжалиги меҳнатчилари! Беш йилликнинг энг бошидаюқ ишлаб чиқаришнинг аниқ маромига эришайлик, 1986 йилги план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарайлик!

17. Бошқариш ходимлари! Иш услуби ва методларини қатъиян қайта қурилингиз, маҳкамчиликка, маҳаллийчилик ва бюрократизмга барҳам берингиз!

18. Совет маданияти арбоблари! Социалистик даврга муносиб асарлар яратингиз! Меҳнаткашларнинг маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондирингиз!

19. Совет Иттифоқи гражданилари! Социалистик ўз-ўзини бошқаришда актив қатнашингиз! Кўпроқ

иждоий ташаббус кўрсатиб, меҳнат коллективининг ролини оширингиз!

20. Яшасин ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқи!

21. Яшасин СССР халқларининг қардошларча дўстлиги!

22. Ватанпарвар, меҳнаткаш совет хотин-қизларига, оналарга шон-шарафлар!

23. Комсомоллар, йигит ва қизлар! Турмушимиздаги барча янги, илғор нарсалар учун курашда ташаббускор бўлингиз!

24. Уруш ва меҳнат ветеранлари! Сизларнинг ўрнингиз улўф коммунизм иши учун актив курашчиларнинг сафидадир!

25. Коммунистлар! КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш учун курашнинг олдинги сафида бўлингиз! Партия ходимининг соф ва ҳалол қиёфасини шахсий намунагиз билан қарор топтирингиз!

26. Совет жангчилари! Халқимизнинг тинч, бунёдкорлик меҳнатини сергаклик билан қўриқлангиз! СССРнинг шавкатли Қуролли Кучларига шон-шарафлар!

27. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Яшасин ҳозирги замоннинг қудратли ва нуфузли кучи—жаҳон социализми! Социалистик давлатлар ҳамдўстлиги мустаҳкамланаверсин!

28. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Осиё, Африка, Лотин Америкаси халқларининг империалистик эксплуатация ва жабр-зулмга қарши, мустақил, прогрессив ривожланиш йўлидан бориш учун олиб бораётган адолатли кураши билан бирдамлик байроғини баянд кўтарайлик!

29. Капиталистик мамлакатларнинг монополиялар зулмига қарши, ўз ҳўқуқлари ва ҳаётий манфаатлари учун сабот билан кураш олиб бораётган ишчилар синфига Биринчи Май саломи!

30. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Тинчлик ва социализм учун курашда барча

Яшасин улўф Ватанимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

КПСС XXVII съездининг ленинча йўлидан—коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан, олға!

мамлакатлар коммунистларининг синфий бирдамлиги ва ҳамкорлиги мустаҳкамланаверсин!

31. Меҳнат аҳлининг манфаатлари учун мардона курашиб, зиндонлар ва турмаларда азоб чекаётган кишиларга қардошлик саломи! Империализм ва реакция тутқунларига озодлик!

32. Барча мамлакатларнинг халқлари! Уруш хавфига қарши, қуролланиш пойғасини тўхтатиш, халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтириш учун курашингиз!

33. Жаҳон халқлари! Империализм келтириб чиқараётган ядро уруши хавфига қарши актив ҳаракат қилингиз! Ядро синовлари батамом тўхтатилишига эришингиз! Космос ҳарбийлаштирилиши йўл қўймаймиз!

34. Европа халқлари! Давлатларнинг тинч ҳамкорлиги, яхши қўшничилик муносабатлари учун, кескинликни юмшатиш ва қитъада ишончли хавфсизликни вужудга келтириш учун курашингиз!

35. Осиё мамлакатларининг халқлари! Осиёда ва Тинч океан районида хавфсизлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик учун курашда куч-ғайратларни бирлаштирингиз!

36. Жаҳон халқлари! Империалистик агрессия ва зўравонлик сиёсати-га қарши қатъий курашингиз!

Уруш хавфи манбалари тугатилишига эришингиз!

37. Барча мамлакатларнинг халқлари! Халқаро муносабатларнинг демократлаштирилиши, ҳозирги замоннинг жаҳоншумул масалаларини ҳал этишда давлатларнинг амалий баҳамжиҳат ҳаракат қилишлари учун курашни кучайтирингиз!

38. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати — халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини, кенг халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш сиёсати!

Ер юзида қурол-яроғларсиз ва урушларсиз тинчлик тантана қилаверсин!

39. Яшасин улўф Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

40. КПСС XXVII съездининг ленинча йўлидан — коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан, олға!

19 апрель—Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни

КПСС XXVII съезди қарорларини амалга оширамиз

ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК БИЛАН

Тошкент область партия комитетининг пленумидан

Шу йилнинг ўздаёқ энг юксак марраларни эгаллаш муҳим зарурат ва пойтахт области меҳнаткашларининг ватанпарварлик бурчидир. Тошкент область партия комитетининг 12 апрель куни бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари қилинган ишларнинг натижаларига ана шу нуқтан назардан баҳо бердилар, келгусига мўлжалланган вазифаларни белгилаб олдилар. Пленум КПСС XXVII съезди аянулари ва область партия ташкилотларининг съезд қарорларини бажариш борасидаги вазифаларини муҳофиза қилди. Докладчи — область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, музокараларда сўзга чиққанлар Чирчиқ трансформатор заводи мисгари КПСС XXVII съезди делегати Л. Н. Павлухина, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилбеков, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхоз партия комитетининг секретари В. Т. Ким, Тошкентдаги Островский номи театр-расомчилик институтини ректор Т. С. Саидбоев, Тошкентдаги «Миконд» заводи тонари КПСС XXVII съезди делегати И. П. Ёдубхўжаев, Қўйбўшев район ижроия комитетининг раиси М. М. Умарова, Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхозининг механизатори КПСС XXVII съезди делегати З. Рўзमतова, «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмаси бош директори А. Имомалиев ва бошқалар съезд қарорларини матонат билан амалга ошириш бугунги кунда энг муҳим вазифа эканлигини айтидилар. Ишларни аввало, тафаккур ва психологияни, иш услуби ва методларини қайта қуришдан бошламоқ керак.

Пойтахт области экономикада баъзи силжишларга муваффақ бўлди. Саноат билинчи квартал топширини ошириб бажарди, чорвачилик маҳсулотларини асосий турларини харид этиш топши-

риқлари ортиги билан уддаланди, беш йиллик биринчи йили планларини муддатидан илгари амалга ошириш ҳамда беш йиллик дастлабки иккин йилини Улўф Октябрьнинг 70 йиллигига бағиш қилиш ҳаракати кенгаймоқда.

Барча партия, совет, ҳўжалик, касбаб союзу ва комсомол органлари учун жадаллаштириш асосий концепция бўлиб қолдими? Пленум қатнашчилари ана шу саволга жавоб қайтариб, кўпгина участкаларда туб ўзгариш юз бермаганлигини партияий принципаллик билан очик-ойдин айтидилар. Бу эришилган натижаларга таъсир этмай қолмасди — март ойида саноатдаги қолоқ корхоналари сони икки баравар кўпайди. Оҳангар, Бекобод, Калинин районлари, Тошкент пойабалд бirlашмаси, «Утқок» кондитер фабрикаси, грампластинкалар заводи ва бошқа корхоналар заводи топшириқларини бажара олмади.

Ҳамон учраб турадиган штурмчилик ҳоллари ҳам кичини ташвишлантиради. Масалан, Тошкент экскаватор заводида январь ойининг сўнгги кунларида машиналар ой бошидагига қараганда беш баравар кўп тайёрлаб чиқарилиди.

Ҳар бир корхонада, ҳар бир коллективда пухта тартиб ўрнатилиши планлаштиришда тартиб ўрнатилиши билан чамбарчас боғланган. Баъзи раҳбарлар жадаллаштириш проблемаларига расман ёндашиб, ўзларини тигиз планлар билан қийнамаётганликларига мисоллар келтиришди. Областдаги 44 та корхонанинг шу йилга планлаштирилган ишлаб чиқариш ҳажми бўлтур эришилганидан кам эканлигини шу билангина изоҳлаш мумкин. Фрунзе, Тошкент, Бекобод, Бўна, Ғалаба районларида, Янгийўл шаҳрида шундай аҳвол вужудга келган. Эко-

номикани интенсивлаш йўлига буриб юбормоқ учун муҳим проблемаларни ҳал этишга, шу жумладан корхоналарни реконструкция қилиш масалаларига ёндашувнинг ўзини ўзгартирмоқ керак. Бу ерда ҳали ҳал этилмаган масалалар кўплиги пленумда таъкидланди. Эскирган машина-ускуналарни ремонт қилишга кўп куч ва маблағ сарфланганга қўлбўки, уларни янгисига алмаштириш арзонга тушди.

Маҳсулотнинг техник ва даражаси ва сифатини ошириш проблемаларига таълуқли қаттиқ гаплар айтилди. Областдаги энг муҳим халқ ҳўжалик вазифаларида бири ҳисобланган шу проблема дуруст ҳал этилмаёттир. Аҳоли талабларига мос келмайдиган сифатсиз, эскирган модел ва конструкциялардаги маҳсулотлар кўп чиқаришмоқда. Шой ва иди газламалар, пойабал, мебель касод бўлиб қолмоқда, қишлоқ ҳўжалик машиналари, пахта териш машиналари хусусида эътирозлар кўп тушмоқда. Сифатни яхшилаш — пировад натижада мийдор, ресурсларни тежаш, жамоат эҳтиёжларини янада тўлароқ қондирдиш, фан-техника тараққиёти ютуқларини актив жорий этиш масалалари ҳамдир, дейишди пленум қатнашчилари. Лекин фан-техниканинг бой имкониятларидан ҳанузгача ниҳоятда оз фойдаланилмоқда, ечимларнинг ярмига яқини жорий этиш босқичига қадар етказилмапти.

Капитал қурилишдаги ишлар пленумда батафсил муҳокама қилинди. Биринчи квартал плани анчангина кўрсаткичлар бўйича бажариш бўлишига қарамай, кўпгина қурилиш-монтаж бўлимларининг фаолияти шу кун талабларига мос келмаёттир. Янги Ангрен ГРЭСининг 2-блоти, «Ангренский» кўмир разрезининг ишга ту-

шириладиган 2-комплекс, Ўзбекистон металлургия заводида қувур заготовккаларни товалаб берувчи участка каби муҳим халқ ҳўжалик объектлари ҳанузгача фойдаланишга топширилган эмас. Қўлбўки, уларни бултуроқ ишга тушириш планлаштирилган эди. Бир қанча қурилиш-монтаж ташкилотларида меҳнат ёмон ташкил этилган, иш вақтининг бекор кетиш ҳоллари кўп, меҳнат унумдорлиги юзасидан белгиланган планлар барбод қилинди. Уй-йўқурилиши суръатларини жадаллаштириш, ишлаб турган йўсозлик комбинатлари қувватларини ошириш борасида ҳам кўп ишлар қўйиб қўйилди. Зеро, уларнинг қувватлари тўла-ўлиқ ўзлаштирилса, областда ҳар йили фойдаланишга топшириладиган уй-йўқурилиш 200 миңг квадрат метрдан ҳам ошириб юбориш мумкин бўлур эди.

Агропром меҳнаткашларининг олдида қатта-қатта вазифалар турибди. Пахтачилик область партия ташкилотининг зўр эътибор беришини тақозо этади, дейди пленумда. Бултур кадрларга талабчанлигини пасайиб кетиши, ғўза парварлиши ва ҳосил йигим-терими технологиясининг бўлиши натижасида 20 та колхоз ва совхоз, ҳар бешта бригаданинг бири планларини бажара олмайди. Ерларни мелiorациялаш ва ирригациялаш билан, ердан фойдаланишда намуналар тартиб ўрнатиш билан кўпроқ шуғулланишга, эканлар структурасини яхшилаш, илмий асосланган деҳқончилик, алмашлб экниш системасини жорий этишга тўғри келади. Экинлар, айниқса сазавот парварлигининг интенсив технологияларда қатта-қатта имкониятлар бора. Чорвачиликнинг ҳам фойдаланилимай келётган анча-мунча резервлари мавжуд. Пахтачиликни, қиш-

лоқ ҳўжалиги бошқа тармоқларини жадал ривожлантириш борасидаги маъсулиятли вазифаларни ҳал этиш — область коммунистларининг бурчи ва шон-шараф ишидир.

Мўлжалланган режаларни амалга ошириш муваффақияти бошқариш ва ҳўжалик юритиш методларини такомиллаштириш билан чамбарчас боғланган, дейди пленумда. Инсон омил, уни активлаштириш партия мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш борасида тугган йўлни амалга оширишнинг ҳал қилувчи шартидир. Аввало, меҳнат шартитлари, унинг характери ва маъмунида жиждий ўзгаришларга эришиш лозим. Шунинг учун ҳам сазамоси оз бўлган қўл меҳнатини жуда камайтириш, келгусида эса унга тамоман барҳам бериш, ишлаб чиқариш шартитларини яхшилаш бугунги кунда алоҳида аҳамиятга моликдир. Тошкент «Қизил тон» бirlашмаси, «Ўзбексельмаш», «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бirlашмаси ва бошқа илғор корхоналарнинг тажрибалари ғамхўрлик, ташаббускорлик билан ёндашилса, кўп ишлар қилиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Қишлоқда маиший турмушнинг ташкил этишга айниқса эътибор бериш керак, қишлоқдаги социал-маиший соҳани қатъиян қайта қуриш лозим, дейишди нотичлар. Бугунги кунда ходимнинг меҳнат ва маиший турмуш шартитлари билан иш самараси ўртасидаги алоқа тобора сезиларли бўлиб бормоқда. Социал омиллар ишга туширилиши биланоқ меҳнат унумдорлиги анча кўтарилади. Пленум қатнашчилари бунга анча-мунча мисоллар келтиридилар.

Ҳозирга қадар ишга ҳалқит бериб келган ров-тусиқлар йўлдан қанчалик тез ва қатъий билан олиб ташланса, жадаллаштириш кўлами

шунчалик кенг бўлади. Бу ерда гап партиянинг раҳбарликини қайта қуриш, партия комитетлари ва ташкилотларини фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида бораёттир. Янгибод шаҳар партия комитети, Сергели, Бўна, Ўрта Чирчиқ район партия комитетларининг иш услуби танқид қилинди. Бу жойларда аппарат проблемаларининг тор доирасида ўралашиб практикаси илдиш отган, баъзан меҳнат коллективларидаги ишларнинг аҳволи тузук ўрганилмайди, қўй партия бўғинларидан йироқ туриш бартараф этилмаган. Халқ депутатлари Советлари фаолиятини яхшилаш, касбаб союзу, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларига раҳбарлиқни такомиллаштириш ишлари тубдан қайта қуришга муҳтож.

Давр бошқариш, экономика, социал вазифаларни ҳал этишга янгица ёндашувларни тақозо этмоқда. Ғовий-сиёсий, маънавий тарбиянинг жўнда муҳимлиги ҳам мана шундан: мана шу юқоридан паствача кадрларнинг ақл-идроки ва кайфиятларида бурилиш қилиб, диққат-эътиборни энг муҳим ишларга қаратиш, кишиларни давр талаблари руҳида фикрлаш ва ҳаракат қилишга ўргатиш керак, дейишди нотичлар.

Пленум қатнашчилари областнинг барча меҳнаткашларини социал-иқтисодий тараққиётни сабот билан жадаллаштириб боришга, КПСС XXVII съезди қарорлари сўзсиз бажарилишини таъминлашга даъват этдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Усмонхўжаев нуғ сўзлади.

Пленумда КПСС Марказий Комитетини маъсул ходими А. Н. Сиротский, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. Ф. Сатин қатнашдилар.

(ЎТАГ).



«Геологоразведка» тажриба-механика заводида ўз касбини мукамал билган илғор тоқарлар ҳақида сўз кетганида коммунистик меҳнат зарбдори Рустам Қўчқоровнинг (суратда) номини албатта тилга олишди. Бу беиза эмас. Бу ишчи смена ва ойлик топшириқларини мунтазам 120 — 130 процента адо этиб, аъло сифатли деталлар тайёрлайди. Илғор ишчи коммунистик шанбалик куни юқори кўрсаткичга эришганга қарор қилган.

Аниқ режалар

2-автотбус парки коллектив 19 апрель куни бажариладиган ишларнинг ахлит планини тузиб чиқди. Ўша кунни автокорхонанинг 174 та автотбуси йўловчилар хизматига бўлади. Бунинг 30 таси планга қўшимча автотбуслардир.

Корхона ҳайдовчилари меҳнат байрами кунини пландан ташқари 50 миңг йўловчининг манзилини яқин қи-

лишга, 20 та автотбусни жорий ремонтдан, 2 та моторни тўла ремонтдан чиқаришга аҳд қилинган. Ўша кунни 10 миңг сўмлик даромад олинади. Бу маблагнинг 850 сўми ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказилади. Корхонанинг В. Туманов бошлиқ 1-маршрутта хизмат кўрсатувчи ҳайдовчилар бригадаси шанбалик куни икки норма иш бажаришга бел боғлашган.

Билдириш

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қилдики, XIX қақирқ Тошкент шаҳар Советининг олтинчи сессияси 1986 йил 17 апрель соат 17.00 да Тошкент область партия комитетининг (III. Рашидов проспекти, 9-уй) мажлислари заида очилди.

Депутатлар ўша жойининг ўзда соат 16.00 дан рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

Ф. АБДУҒРАҲИМОВ,
кўп нусхали «Мотор» газзетасининг ре-
дактори.

